

**СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ҚҰЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Азимов Раҳматилла Лутфулла ўғли,**

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси*

*магистранти*

*E-mail: mr.azimov92@gmail.com*

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада солиқ органлари ҳужжатларини ижро этиши самарадорлигини оширишида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар, соҳада рақамли технологияларни құллаш истиқболлари, шунингдек, айрим тадқиқотчи олимларнинг илмий қарашлари, бу борадаги ҳорижий давлатлар тажрибаси, ҳозирги замонавий шароитта солиқ органлари ҳужжатларини самарадорлигини ошириши да рақамли технологиялардан фойдаланыш борасида айрим тавсиялар мұхокама қилинганды.

**КАЛИТ СҮЗЛАР:** солиқ, солиқ органлари ҳужжатлари, рақамли технология, солиқ маъмурология, электрон солиқ тизими.

**ANNOTATION:** The article discusses the reforms implemented in our country to enhance the effectiveness of executing tax authority documents, the prospects for applying digital technologies in this field, as well as the scientific perspectives of certain researchers, foreign countries' experiences in this area, and some recommendations on utilizing digital technologies to improve the efficiency of tax authority documents in modern conditions.

**KEYWORDS:** tax, tax authority documents, digital technology, tax administration, electronic tax system.

Барчамизга маълумки, солиқларнинг ўз вақтида түла ҳажмда ундирилиши мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини ҳамда ижтимоий-иктисодий жиҳатдан құдратини ошишини таъминлады.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, айниқса, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, хуфиёна иқтисодиёт улушини камайтириш ҳисобига солиқлар йиғилувчанлигини сезиларли даражада ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада бир қатор норматив ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси тўғрисида”ги (2017 йил 8 сентябрь, ПФ-5185-сонли), “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017 йил 7

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

VIII son, Iyul

февраль, ПФ-4947-сонли), “Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йифувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017 йил 18 июль, ПФ-5116-сонли), “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги (2018 йил 29 июнь, ПФ-5468-сонли), “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019 йил 26 сентябрь, ПФ-5837-сонли), “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020 йил 30 октябрь, ПФ-6098-сонли) Фармонлари, “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018 йил 26 июнь, ПҚ-3802-сонли), “Солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2019 йил 10 июль, ПҚ-4389-сонли) Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини хуқукий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги (2017 йил 28 август, 677-сонли), “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019 йил 17 апрель, 320-сонли), “Солик хавфини бошқариш, солик хавфи мавжуд солик тўловчиларни (солик агентларини) аниқлаш ва солик текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги (2021 йил 7 январь, 1-сонли) Қарорлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 29.06.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилишини таъминлаш белгиланди. [1]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига янги қабул қилинган солик сиёсати концепциясини амалиётга тўлиқ татбиқ қилиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маъruzасида - “Янги солик кодекси соликқа тортиш бўйича барча тартиб, механизм ва услубларни тўлиқ қамраб олиши, ҳамма учун тушунарли бўлиши керак. Бу ишлар адолатли ва рағбатлантирувчи солик тизимини яратиш бўйича қўйган биринчи қадамларимиздир” – деб таъкидлаган эди. [2]

2019 йил декабрда янги таҳрирдаги Солик кодекси қабул қилиниб, тўғридан-тўғри кўлланувчи нормалар жорий этилди. Соликлар сони 13 тадан 9 тага камайтирилди. Мулк солиги ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга, қўшилган қиймат солиги 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Иш ҳақига нисбатан солик юки қарийб 2 баравар камайтирилди.

Буларнинг натижасида тадбиркорларнинг ислоҳотларга ишончи ортиб, солик тушумлари 4 баравар кўпайди. Кўшилган қиймат солиги тўловчилар сони 6 мингдан 152 мингтага етди. [3]

Қайд этиш керакки, солиқлар давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи сифатида иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

VIII son, Iyul

Солиқ органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ва тўғри ижро этилиши давлат ва жамият ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг барқарорлигини сақлаш, бюджет даромадларини таъминлаш ва давлатнинг макроиктисодий вазифаларини бажаришда ҳам қилувчи аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёning ривожланган мамлакатларида солиқ маъмуриятчилиги жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш борасида муҳим ютуқларга эришилган. Рақамли технологиялар солиқ органлари ҳужжатларини мажбурий ижрога қаратиш ва уларнинг ижросини таъминлашда ҳам кенг қўлланиммоқда.

Солиқ органлари ҳужжатларининг ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишда рақамли технологияларни қўллаш борасида қўплаб олимлар, иқтисодчилар ва тадқиқотчилар ўз илмий қарашларини билдирган.

Иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ю.Ходиев ўз тадқиқотларида рақамли технологияларни қўллаш солиқ маъмуриятчилигини янги сифат даражасига олиб чиқаришини айтади. Унинг фикрига кўра, аньянавий солиқ назорати усуллари самарасиз бўлиб бормоқда. Замонавий даврда ҳар бир транзакцияни онлайн кузатиш имконияти солиқ органлари учун катта имкониятлар яратади. Бу, айниқса, Ўзбекистон шароитида муҳим, чунки яширин иқтисодиёт улушкини қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. [4]

Солиқ тизимини рақамлаштириш бўйича тадқиқотчи Р.Маҳкамов солиқ органларининг ҳужжатлари ижросини таъминлашда сунъий интеллект (AI) ва Big Data (катта маълумотлар) аналитикасидан фойдаланиш зарурлигини илгари суради. [5]

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш масалалари бўйича профессор А.В.Вахобов, солиқ органлари томонидан чиқарилган қарорларни автоматлаштирилган тизимлар орқали ижро этиш фоизи юқори бўлган давлатларда солиқ тушумлари ҳам юқори эканлигини таъкидлаган. [6]

Иқтисодчи олим Т.С.Маликов эса, “солиқ ҳужжатларини электрон шаклда қабул қилиш ва ижро этиш орқали давлат бюджетига тушумлар йиллик 7-12 фоизга ошиши мумкинлигини” таъкидлаган. [7]

Профессор И.А.Хайдаров эса, “солиқ органлари ҳужжатларининг электрон тизимда айланиши бюрократик тўсиқларни 45 фоизга камайтириш имконини бериши” ҳақида ўз тадқиқотларида маълумот берган. [8]

Дунёning ривожланган мамлакатларида солиқ органлари ҳужжатларининг ижросини таъминлашда рақамли технологиялар кенг қўлланиммоқда.

Кўйида дунёning энг ривожланган давлатлари солиқ органлари ҳужжатларининг ижросини таъминлашда рақамли технологиялардан фойдаланиш борасидаги тажрибаси ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиш:

**Эстония** дунёдаги энг рақамлашган давлатлардан бири ҳисобланади. Унинг солиқ тизими e-Tax ва e-Business порталлари орқали тўлиқ рақамлаштирилган. Мамлакатда

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

VIII son, Iyul

солик идораларининг даромад ва харажатларни реал вақтда кузатиш имконияти мавжуд, бу эса солик қонунчилигига риоя қилишни кескин оширади.

Австралияning солик маъмуриятини Australian Taxation Office (ATO) бошқаради. ATO ўз тизимини рақамлаштириш ва автоматлаштиришга катта эътибор қаратади. Солик тўловчилар учун myGov портали ва ATO Online хизмати яратилган. Бу портал орқали декларация топшириш, солик қарзини текшириш ва тўловларни амалга ошириш мумкин. Банклар, иш берувчилар ва бошқа молиявий муассасалар билан маълумот алмашинуви автоматлаштирилган. Масалан, банклар мижозларнинг фоиз даромадлари ҳақидаги маълумотни тўғридан-тўғри ATOга юборади.

Big Data (катта маълумотлар) таҳлили орқали солик идораси шубҳали операцияларни аниқлайди ва текширувларни мақсадли ўтказади. Бу солик қонунчилигига риоя қилиш самарадорлигини оширади.

Швецияning солик тизими Skatteverket (Солик агентлиги) томонидан бошқарилади. Бу мамлакат ҳам солик тизимининг юқори даражадаги рақамлашуви билан ажralиб турди. Швецияда ҳар бир солик тўловчига электрон декларация лойиҳаси юборилади. Ушбу лойиҳа иш берувчилар, банклар ва бошқа муассасалардан олинган маълумотлар асосида автоматик тарзда шаклланади. Солик тўловчи маълумотлар тўғрилигини тасдиқлаши ёки тузатишлар киритиши мумкин. Ҳужжатларни электрон қабул қилиш, маълумотларни автоматлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконияти солик идораларига ресурсларни тежашга ёрдам беради.

Японияning солик тизими National Tax Agency (NTA) томонидан бошқарилади. Японияда ҳам сўнгти йилларда солик тизимини рақамлаштириш ва автоматлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жисмоний шахслар ва компаниялар учун электрон декларация топшириш тизими e-Tax яратилган. Бу тизим солик ҳисботини онлайн топшириш, тўловларни амалга ошириш ва солик қарзларини текшириш имконини беради.

Ҳар бир фуқарога берилган ўзига хос ижтимоий таъминот рақами бўлган My Number солик маъмуриятчилигига муҳим ўрин тутади. Бу тизим турли давлат хизматларини, жумладан, солик маълумотларини ягона тизимга бирлаштиришга ёрдам беради. Рақамли технологиялар, айниқса AI (сунъий интеллект) ва Big Data таҳлили асосида солик органлари фирибгарлик ва соликдан қочиш ҳолатларини аниқлайди. Автоматлаштирилган тизимлар ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш ва қайта ишлаш самарадорлигини оширади.

АҚШда IRS электрон декларация топшириш тизими (e-fayl) ва MyTax Portal каби онлайн порталлардан фойдаланилади. Бу тизимлар солик тўловчиларга ўз хисботларини электрон шаклда юбориш, тўловларни амалга ошириш ва қайтаришларни кузатиш имконини беради. Маълумотлар базасини таҳлил қилиш учун катта маълумотлар (Big Data) ва сунъий интеллект (AI) ҳам қўлланилади.

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

VIII son, Iyul

**Буюк Британияда** солиқ маъмуриятчилиги HM Revenue & Customs (HMRC) томонидан бошқарилади. “Making Tax Digital” дастури солиқ тизимини тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган бўлиб, ушбу дастур доирасида солиқ тўловчилар даромад ва ҳаражатларини ҳар чоракда рақамли дастурлар орқали HMRCга юборишади. Бу тизим ҳисбот топширишни содалаштиради ва хатоларни камайтиради. Рақамли ҳисбот тизими орқали солиқ идораси реал вақт режимида тўловлар ва ҳисботларни мониторинг қилиш имкониятига эга.

**Германияда** “ELSTER” (Elektronische Steuererklärung) тизими асосий электрон солиқ платформасидир. Бу тизим орқали солиқ тўловчилар ўз декларацияларини ва бошқа хужжатларни онлайн топширишлари мумкин. Бу тизим маълумотларни хавфсиз узатиш ва қайта ишлаш имконини беради.

**Сингапур** солиқ тизими соддалиги ва самарадорлиги билан ажралиб туради. Солиқларни IRAS (Inland Revenue Authority of Singapore) йиғади. Сингапурда e-Filing тизимидан кенг фойдаланилади. “Auto-Inclusion Scheme” (AIS) дастури ўйича иш берувчилар ходимларнинг иш ҳақи маълумоларини тўғридан-тўғри IRASга юборади. Натижада, ходимларнинг декларациялари олдиндан тўлдирилган ҳолда келади ва улар фақат маълумотларни текшириб, тасдиқлашлари кифоя. IRAS рақамли тизимлари орқали солиқларни йигиш жараёнини юқори даражада автоматлаштирган. Бу эса ҳисбот бериш ва сарфланадиган вақтни кескин камайтиради.

Замонавий солиқ маъмуриятчилиги тизимларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан рақамли технологияларнинг қўлланилиш даражаси билан белгиланади. Солиқ органлари хужжатларини мажбурий ижрога қаратиш ва уларнинг ижросини таъминлаш жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш бугунги кунда глобал тенденция ҳисбланади. Мазкур йўналишдаги инновацион ечимлар солиқ тизими самарадорлигини ошириш, маъмурий ҳаражатларни камайтириш ва солиқ интизомини мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Шу муносабат билан рақамли технологиялар солиқ органлари хужжатларининг ижросини таъминлашда қуйидаги асосий афзалликларни беради:

**1. Самарадорликнинг ошиши** - рақамли технологиялар солиқ органлари ходимларининг меҳнат унумдорлигини оширади, хужжатларни расмийлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлаш жараёнларини тезлаштиради;

**2. Ҳаражатларнинг камайиши** - солиқ органлари хужжатларини қоғоз шаклидан электрон шаклга ўтказиш ҳамда ижро жараёнларини автоматлаштириш ортиқча маъмурий ҳаражатларни қисқартиради.

**3. Шаффофликнинг ошиши** - рақамли технологиялар солиқ органлари хужжатларининг ижро этилиши жараёнини кузатиш ва назорат қилиш имкониятларини кенгайтиради, бу эса коррупцион хавфларни камайтиради.

**4. Аниқликнинг ошиши** - автоматлаштирилган тизимлар инсон омили туфайли юзага келадиган хатоларни камайтиради, солиқ ҳисоб-китобларининг аниқлигини оширади.

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

VIII son, Iyul

**5. Маълумотларни реал вақт режимида таҳлил қилиш имконияти** - рақамли технологиялар солиқ органларига солиқ тўловчилар ҳақидаги маълумотларни реал вақт режимида таҳлил қилиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

**6. Идораларо электрон ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш** - солиқ органлари ва ваколатли органлар ўртасидаги маълумот алмашинуви самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бу жараён ахборот тизимларини интеграциялаш, ягона маълумот алмашинув стандартларини жорий этиш, реал вақт режимидаги мониторингни таъминлаш, электрон ҳужжат айланишини тўлиқ автоматлаштириш ва ахборот хавфсизлигини кучайтиришни ўз ичига олади.

Тизимни такомиллаштириш ижро муддатларини қисқартириш, инсон омили таъсирини камайтириш, маъмурий ҳаражатларни оптималлаштириш, шаффофликни ошириш ва натижада солиқ йифимлари самарадорлигини таъминлашга имкон беради. Бу ислоҳотлар техник инфратузилмани модернизация қилиш ва ҳуқукий базани такомиллаштиришни талаб этади.

**Электрон маълумотлар базаларини яратиш ва интеграциялаш** - солиқ органлари ҳужжатларини мажбурий ижро этиш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишидир. Бу жараён солиқ тўловчилар, уларнинг мол-мулки ва қарзлари ҳақидаги маълумотларни ягона тизимда жамлаш, стандартлаштириш ва реал вақт режимида янгилаб боришни таъминлайди. Интеграциялашган маълумотлар базаси мажбурий ижро бюросига солиқ қарздорларининг тўлиқ профилини кўриш, улар билан боғлиқ аниқ қарорлар қабул қилиш ва ундириш жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради. Натижада қарзларни ундириш муддати қисқаради, ҳаражатлар камаяди ва солиқ тушумлари ортади.

**Ижро жараёнини рақамлаштириш ва автоматлаштириш** - солиқ органлари ҳужжатларини мажбурий ижро этишни замонавий технологиялар асосида ташкил қилишдир. Бу қоғозбозликни бартараф этиб, ҳужжатларни электрон тарзда яратиш, юбориш, қабул қилиш ва ижро этишни таъминлайди. Жараёнлар автоматик мониторинг қилинади, муддатлар назорати автоматлаштирилади, ҳисботлар тизим томонидан шакллантирилади. Сунъий интеллект технологиялари солиқ қарздорларини таҳлил қилиш, ундириш стратегиясини белгилаш ва қарор қабул қилишда қўлланилади. Рақамлаштириш шаффофликни ошириб, инсон омили таъсирини камайтиради, ижро тезлигини оширади.

Бундан ташқари, рақамли технологиялар солиқ органларининг ҳужжатлари ижроси самарадорлигини қуидаги йўналишларда ошириши мумкин:

**Автоматлаштирилган ижро тизимлари:** Электрон тўловларни мажбурий қилиш ва қарздорликни автоматик тарзда мониторинг қилиш тизимлари. Бунда блокчейн технологияси ҳужжатларнинг ўзгармаслиги ва хавфсизлигини таъминлаши мумкин.

**Сунъий интеллект ва катта маълумотлар таҳлили:** AI солиқ органларига катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш ва потенциал солиқдан қочиш ҳолатларини олдиндан аниқлаш имконини беради.

# TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

VIII son, Iyul

**Хужжатларнинг электрон айланиши:** Мажбурий равища электрон хисобфактуналар ва бошқа хужжатларнинг ягона платформа орқали айланиши солиқидораларининг назорат имкониятларини кенгайтиради.

Рақамли технологиялар солиқ органлари хужжатларининг ижросини таъминлашда жуда катта истиқболларга эга. Уларни қўллаш орқали солиқ идоралари фаолиятининг шаффоғлиги, самарадорлиги ва адолатлилигини ошириш мумкин. Бу нафақат солиқ тўловчилар учун қулайлик яратади, балки давлат бюджети даромадларининг барқарор ўсишига ҳам хизмат қиласи. Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда солиқ органлари хужжатларини ижро этишда рақамли технологияларни қўллаш борасида муҳим қадамлар ташланди. Бироқ, дунё тажрибасидан келиб чиқиб, янада замонавий технологияларни, хусусан, AI, блокчейн ва Big Dataни жорий этиш орқали жараён самарадорлигини янада ошириш мумкин. Бу нафақат солиқ йигимларининг ортишига, балки солиқ тўловчилар ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғ, адолатли ва қулай бўлишига ҳамда рақамли иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшади.

## АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 29.06.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони. (Электрон манба) <https://lex.uz/ru/docs/3802378>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида янги қабул қилинган солиқ сиёсати концепциясини амалиётга тўлиқ татбиқ қилиш масалалари бўйича ўtkazilgan видеоселектор йиғилишидан маъruzасидан. 20.12.2018 йил. (Электрон манба) <https://president.uz/uz/lists/view/2203>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Давлат солиқ қўмитасида соҳани такомиллаштириш бўйича навбатдаги вазифалар юзасидан ўtkazilgan йиғилишидан маъruzасидан. 16.03.2022 йил. (Электрон манба) <https://president.uz/uz/lists/view/5060>.
4. Ходиев, Б.Ю. “Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштиришнинг назарий асослари.” Молия ва солиқ журнали, № 3, 2022 й.
5. Маҳкамов, Р. “Raқamli iқtisodiёт шароитida солиқ назоратини takomillashaстириш.” Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар журнали, № 5, 2021 й.
6. Вахобов А.В. “Raқamli iқtisodiёт шароитida солиқ маъмуриятчилигини takomillashaстириш” монографияси. Тошкент, 2022 й. 156-б
7. Маликов Т.С. "Солиқ тизимини рақамлаштириш: назария ва амалиёт" илмий мақоласи. "Молия" журнали, 2023 й. №3-сон. 45-52 б.
8. Хайдаров И.А. "Электрон ҳукumat шароитida солиқ маъмуриятчилигини takomillashaстириш йўллари" илмий мақоласи. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали, 2021 й. №4-сон.